



Мана тўккиз асрдан ошибдики, кўлимиздаги ушбу китоб турли тилларда кўпгина халкларнинг амиру умаролари, мутафаккиру ижодкорлари, умуман, зиёли ахли диккати ўзига тортиб келади. Хатто Ғарб мамлакатларида бу китоб барча даврлар учун давлатни, жамиятни бошқаришда, дину эътикод поклигини, мамлакат яхлитлиги ва дахлсизлигини саклашда, фукаролар ҳақ-ҳуқуқлари ва осойишталигини ҳимоя қилишда, халққа шу талаблар даражасидаги салоҳиятли раҳбарлар бош бўлишида асқотадиган яхши қўлланма, марокли бадиий асар ва тарихий манба сифатида эътироф этилган Китоб тарихчилар, сиёсатчи ва сиёсатшунослар, файласуфлар шунингдек, бу соҳаларга кизиккан китобхонлар оммаси учун мўлжалланган...

Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изохлар муаллифлари Шодмон ВОХИД, Афтондил ЭРКИНОВ

Жаҳон маданиятининг бешикларидан бўлган Шарқ тарихи кўп воқеаларга шохид: саноксиз жангу жадаллар натижаси ўлароқ салтанатлар алмашди, не-не буюқ шоху саркардалар келиб кетдилар. Кимлардир ранжу аламлар чекса, кимлардир зафарлар нашидасидан масрур бўлиб, даври даврон сурди. Лекин факат яхши ишлар, уларни амалга оширган улуг зотларнинг табарруқ номлари, шуларнинг барчасидан бизни воқиф этган азиз китоб-ларгина боқий қолди. Маънавият ва билим ҳазинаси, чашмаси бўлган талайгина асарлар бугунги қунимизгача етиб келди Ана шундай ҳазина китоблар сирасида Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асари ҳам бор. Салжукий шохларга 30 йил ҳалол вазирлик қилиб, ўз номини сўнмас шон-шухратга чуллаган Низомулмулк марказлашган қучли давлат учун кураш олиб бориш билан бирга бу борадаги ўз қулатувларини жамлаб, умумлаштирган ҳолда кўплаб амиру умаролар, давлат арбоблари, сиёсатчилар учун зарур қўлланма хизматини ўтаб келган ажойиб китоб яратди. Унда давлатни бошқаришдаги энг майда масалалардан тортиб, гоят йирик ва муҳим муаммоларгача ҳаммасини ўзи яшаб турган даврга қадар тўпланган сиёсий тажрибадан келиб чиққан ҳолда атрофлича ёритиб берди.

Албатта, қувваи хотирага энг аввало шарқ ижтимоий тафаккури, маданияти маҳсули бўлган, ҳам муҳим амалий аҳамиятга, ҳам юксак бадиий қийматга эга бундай асарларни боболаримиз тўккиз асрлар муқаддам ярата олган эканлар, улар қуруқ жойда пайдо

бўлмаган, деган фикр келади. Шундай асарлар калам учидан тўкилиши учун шунга яраша шарт-шароит, ижтимоий онг ва тафаккур, маданият ва маънавият даражаси, энг мухими, умумлаштиришга, хулоса чиқаришга арзигулик муайян амалий ижтимоий-сиёсий тажриба бўлмоғи зарур эди. Чиндан ҳам бугунги кунда юксак тараккиёти ҳакли равишда эътироф этиб келинаётган китъа ва минтакаларнинг аксарияти ҳали уйқу оғушида бўлганида Шарқда, жумладан бизнинг қадимий юртимизда давлатчилик бобида каттагина тажриба тўпланган эди.

Мусулмон Шарқида уйғониш даври ўз чўққисига чиқиб, кейинги тараккиёт босқичини Гарбга узатди. Шарқдаги бу жараён умумжаҳон цивилизациясининг ўспиринлик ва бағоят даври эди

Инсониятнинг шундан кейинги раўнақи кўп жихатдан ўша даврдаги маънавий-сиёсий жўшқинликда муҳраб, белгилаб берилганди. Биз тарих гилдирағи босиб ўтган бу тараккиёт босқичларини ўз вақтида таҳлил қилиб, ўрганиб, ўзимизга жуда кўп фойдали сабоқлар олишимиз мумкин эди. Мана, ниҳоят, имкон тугилган экан, сиёсий, ҳуқуқий ўтмишимизга жиддийроқ назар ташлаб, уни теранроқ англашга ҳаракат қилмоғимиз лозим. Зеро, давлатчилик сиёсатининг илдизлари «Сиёсатнома» синғари ноёб асарларга бориб такалади, улардан озик олади «Темур тузуклари»да ҳар қандай подшоҳ, халқ орзу қилғулик» ақл-заковат, валинеъмат соҳиблари бўлмиш вазирлар тўғрисида сўз юритилганида «Сиёсатнома» муаллифи Низомулмулк алоҳида меҳр-муҳаббат билан, ҳар жихатдан намуна қилиб кўрсатилади. Бундай «Қилич ва қалам соҳиб» бўлмиш вазирларни эъзозлашга, қадрлашга даъват этилади Адолат, тенглик - ҳаққонийлик ва бошқа инсоний эзғуликлар манбаи, шубҳасиз, Қуръони қарим ва Ҳадиси шариф бўлса, «Сиёсатнома» синғари асарлар шу муқаддас китобларда баён этилган фикрлар ва уларни рўёбга чиқариш бобида олиб қорилган ишлар ифодасини аниқ бир фаолият доирасида кўрсатиб, шарҳлаб ва изоҳлаб беради. Давлат масаласи «Сиёсатнома» нинг ўзақ томирини ташқил қилади. Бу жихатдан унинг асосий гоёлари - эзғу мақсадларни кўзлаган ҳар қандай тузум, давр, жумладан, бизнинг давлатимиз сиёсати билан ҳамохангдир Низомулмулк ўз китоби воситасида қуруқ панд-насихатни, кўрсатма беришни мақсад қилиб қўймайди. У турли давлатларнинг ҳуқмдорлари, авлодлар тажрибасидан, жумладан ўз шахсий тажрибасидан бизга марокли ҳикоя қилади. Шу жихатдан ҳам, гарчи асар асосан энг мураккаб ва масъулиятли инсоний фаолият жаҳҳаси бўлмиш сиёсатдан сўзласа-да, гоят қизиқарли бадиий асар сифатида марок билан ўқилади. Бошқача айтганда, муаллиф муҳим сиёсий муаммолар ҳусусидаги фикрларига бадиий ён босиб, уларнинг маъқуллиғига ўқувчи ишончини мустанкамлайди, асар ибратини янада қучайтиради.

ШАРИФ ХОЛМУРОД

НИЗОМУЛМУЛК ВА УНИНГ СИЁСАТНОМА» АСАРИ»

Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий Низомулмулк (1018-1092) Шарқ тарихи ва маданиятида ўзининг 1091 йили ёзилган «Сиёсатнома» (ёки «Сияр ул-мулк») асари билан ўчмас из қолдирган

Абу Али Ҳасаннинг бобоси Байҳақ кишлогининг энг нуфузли дехқонларидан бўлиб, тўрт нафар ўғилнинг отаси эди. Унинг катта ўғли Абулҳасан Али отаси вафотидан кейин Хуросон волийси Абулфазл саройига бориб, унинг хизматида қиради. 1018 йилда унинг

оиласида (Туснинг Родкон вилоятидаги Навгон кишлоғида) Абу Али Хасан оламга келади. У бошланғич тахсилни шу ерда олади, кейин Нишопур ва Марвда ўқиб, вояга етгач, Балхга бориб, Али ибн Шодон хизматида қиради. Кейинчалик у Довуд ибн Микоилга дабир бўлади. Дабирлик мансабидан салжукийлар (1037-1194) шоҳи Алпарслон (1063-1072 йиллар) саройида вазирлик мансабига кўтарилади ва «Низомулмулк», яъни мулкнинг низоми, тартиби маъносини англатувчи номи билан шухрат қозонади. Вазирлик даврида у қарийб давлатнинг бутун ишларини ўзи олиб боради Низомулмулк сарой ва давлатдаги шунчалик катта обрў эътиборига қарамасдан ҳасадгўй, ғаразгўй кишилар ва мансабдорларнинг иғволаридан ҳавфсираб яшарди. Хатто Алпарслоннинг ўзи ҳам вазирини роғизийликда айблаб, унинг шофегий мазҳабида эмаслигидан афсусланади. Шохнинг шундай муносабатини Низомулмулк ўз асарида таассуф билан эслайди.

Алпарслон ўлдирилганидан кейин Низомулмулк 1072 унинг ўғли, 17 ёшида тахтга ўтирган Маликшоҳ (1072-1092 йиллар) саройида вазирлик қилиб, бу шохнинг давлатига ҳам катта мадад беради, мулкни бошқариб туради. Маликшоҳ уни ўз ҳомийси отабек деб атаган. Вазирлиги даврида у кўп олимлар ва машҳур кишиларга ҳомийлик қилиб, моддий ёрдам кўрсатди. Улуг олим ва шоир Умар Хайём ҳам Низомулмулкнинг мурувватидан баҳраманд бўлганлиги яхши маълум. Шу ҳукмронлар даврида Низомулмулк Арабистондан то Туркистонгача бўлган улкан мамлакатни бошқарган. Бу даврда хатто халифа пойтахти бўлмиш Бағдод ҳам Маликшоҳ қўлида эди ва уни бевосита вазири Низомулмулк бошқарган. Тарихчи Мирхонд ўзининг "Равзат ус-сафо" асарида (4-жилд, 107-бет) бир воқеани келтирган. Бир куни Маликшоҳ Низомулмулкнинг ўғлидан ҳафа бўлади. У султон шаҳнасини таҳқир қилган эмиш. Вазири олдида ўз одамларини юбориб, ҳафа бўлганини айтиб юборади: "Агарда мамлакат бошқарувида сен менга шерик бўлсанг, майлия, бироқ менга тобеъ бўлсанг, нимага ўғлинг қилмишларини назорат қилмайсан, у ҳадидан ошиб кетибтику. Хохласам буюраман, олдингдан давошти оладилар (яъни вазирликдан тушираман сени)". Низомулмулк унга жавоб бердики, сенинг давлату тожинг менинг давоштига боғлиқ, вазирликни мендан олсанг, сендан тожингни оладилар Низомулмулкнинг оқилона ва адолатли давлат бошқаруви туфайли Маликшоҳнинг номи тарихда қолди. У адл ва инсофнинг буюк меъмори эди. Вазирлиги даврида Бағдод, Басра ва Исфаҳонда "Низомия" номидаги мадрасалар бино қилади Маликшоҳ ва унинг вазири Низомулмулк давлатида иқтисодий шароит яхшилانган даврда 30 ёшли Умар Хайём (1040-1123) таниқли астроном эди. Уни 1074 йили Сосонийларнинг шамсий тақвими (календари)ни ислох этиш учун тузилган гуруҳга раҳбарликка тақлиф қилишади. Умар Хаём бу ишни бажариб, девоннинг илмий ва давлат ишларига тақлиф қилинади. Бу тақлифни Умар Хаём рад этса ҳам Низомулмулк унга йилига 1200 туман ҳақ бериб, илмий ва адабий фаолиятини олиб бориши учун шароит яратиб беради Маликшоҳ салжукийлар империяси пойтахти бўлмиш Марвда катта обсерватория қурдиради. Саройда илмий маданий муҳит шаклланади. Бўлгуси буюк олим - Муҳаммад Газзолий (1058-1111) бу вақтда энди ижодга киришган, арабийнавис шоирлар Муизий, Тантароний, Тугроий қабилар Маликшоҳ саройи билан боғланган эдилар. Низомулмулк 1067 йили Бағдодда оламга машҳур «Низомия» мадрасасини қурдиради. Муҳаммад Газзолий ўз вақтида ана шу мадрасада дарс берган Низомулмулк ўз даврининг машҳур кишиларидан бўлмиш Хасан Сабоҳни ҳам Маликшоҳ саройига жалб этади. Аммо кейинчалик у билан қелиша олмай, уни сарой хизматидан четлатади. Улар ўртасида очик

душманлик муносабати пайдо бўлади. Хасан Сабох Мисрга бориб тахсил олиб, исмоилия мазхабининг доийси-таргиботчиси бўлиб кайтгач, куч билан Казвин якинидаги Аламут калъасини босиб олади ва Маликшоҳ Салжукий ва унинг вазири Низомулмулкка карши ҳаракатларини бошлайди.

Бундан ташқари, Маликшоҳ ўлимидан кейин унинг авлодлари ўртасида тахт учун кураш бошланади. Низомулмулк Маликшоҳнинг катта ўғли Баркаёрикнинг тахт учун курашувига мадад беради ва бу билан Маликшоҳнинг хотини Турконхотуннинг ашаддий душманига айланади. Давлат ишларига таъсири жуда сезиларли бўлган Турконхотуннинг бевосита иштирокида Низомулмулк вазирликдан олиниб, ўрнига шу хотиннинг якин кишиси Тожулмулк Абулганоим ибн Хусрави Фируз тайинланади.

Вазирликдан кетган Низомулмулк ана шу кишиларнинг игволари ҳамда Хасан Сабохнинг иштироки билан Багдод сафари йўлида, Нахованд шаҳри якинида Абу Тохир исмли ёлланган котил тигидан 1092 йнли 14 октябрда ўлдирилади Маликшоҳдан кейин меросхўрлар ўртасидаги тож-тахт учун талашувлар натижасида у бунёд этган обсерватория ёпилиб, Умар Хайём ҳам бу ерни тарк этади. Маданий муҳит таназзулга юз тутади.

Маликшоҳ Салжукий ўз ҳукмронлиги даврида саройнинг фозил ва олимларига давлатни бошқариш қоидалари, тартиботи ва усуллари ҳақида бир рисола ёзиб, унда ўтган шохлар тарихи ва ҳаётий тажрибасидан мисоллар келтиришларини буюради. Бу рисола, аввало, давлат бошқаруви ишларида дастур вазифасини бажариши кераклигини таъкидлайди.

Ўзига хос ушбу ижодий беллашувда Низомулмулк ҳам иштирок этади. Унинг сўзига қараганда, мазкур ишга Шарафулмулк (Абу Саид Муҳаммад бини Мансур бини Муҳаммад ал-Хоразмий), Тожулмулк, Маждулмулк (Абулфазл Асад бини Муҳаммад ал-Қумий) ва бошқалар қўл урадилар

йили Низомулмулк ёзган 39 бобдан иборат «Сиёсатнома» ёки «Сияр ул-мулк» («Подшоҳлар турмуши») номли асар шохга манзур бўлади. Сўнгра Низомулмулк асарини қайта ишлаб, уни янги боб ва қисмлар билан бойитади. 1092 йили уни қўчириб, Султон Маликшоҳга бериб қўйиш учун саройнинг махсус қотиби Муҳаммад Мағрибий ан-Носихга топшириб, ўзи Багдод сафарига йўл олади.

Низомулмулкдан кейин, 1092 йили Маликшоҳ ҳам ўлдирилиб, тож-тахт учун кураш авж олиб кетади ва давлат ишлари тартибсизликка учраб, халқнинг аҳоли ёмонлаша боради. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Мағрибий факат 1105 йилга келиб, яъни Гиёс уд-дин Муҳаммад бини Маликшоҳ даврида (1105-1118 йиллари) асарни эълон қилишга муваффақ бўлади.

Шундай қилиб, қотиб Муҳаммад Мағрибийнинг Низомулмулкка садокати ва шижоати туфайли унинг васиятномаси бизгача етиб келди.

«Сиёсатнома» асари яратилган даврдан бошлаб олимлар, тарихчилар, адиблар, энг асосийси, шоху ҳокимлар диққатини ўзига тортиб келади. Бу асарни султонлар ва бошқа мансабдорлар қўчиртириб олиб, ўз фаолиятларида фойдаланганлар. «Сиёсатнома» Шарқ маданиятини, салжукийлар тарихи ва сиёсий ҳаётини ўрганишда энг ишончли манба бўлиши билан бирга форс адабиётининг дастлабки бадиий асарларидан саналади Темур тузуклари» асарида улуг вазир ва давлат арбоби» Низомулмулк амаллари ҳурмат-эҳтиром билан эсланиб, жумладан, шундай дейилади: «Масалан, Маликшоҳ Салжукий ўз вазири - Низомулмулкни мартабасидан туширди. Вазир бошдан-оёқ яхши сифатларга ўралган эди. Унинг ўрнига зоти паст, ёмон бир кишини вазир қилиб тайинлади. Бу шумқадам вазирнинг қабих ишлари, зулм-ситами ва нафси бузуклиги

касофатидан салтанат биноси бузила бошлади». Бошка бир жойида Низомулмулк давлатни бошқаришда ибрат қилиб қўрсатилиб, унинг фазилатларига таъриф берилади: «Низомулмулкнинг ёмон қилмишлари қам бўлиб, хайрли ишлари қўпроқ эди. У ҳажа бормокчи бўлиб турган вақтида авлиёлардан бири унга дебди: «Маликшоҳ давлатининг хизматида бўлиб, амалга ошираётган хайрли ишларинг ва Тангри таолонинг бандаларига етказиб турган ёрдамнинг ҳаж қилиш билан баробардир.

Темур тузуклари»да ақлли, билимдон ва ҳушёр вазир» мамлакат ҳаётининг турли жаҳаларида жуда катта қуч эканлиги, подшоҳининг бошига тушган муҳим ва мушкул ишларни тadbиркорлиги ва узокни қўра билиши қобилияти билан осонлаштириши олийжанобларча эътироф этилади. «Бундай вазирни эъзозлаб, иззат-икром этсинлар», «давлат шери қилиб, азиз тутсинлар. Зинҳор унинг сўздан чиқмасинлар, у нима деган бўлса, бари ақл қўзғусидир», дея қайта-қайта таъқидланар экан, шундай ҳурматга сазовор вазир сифатида яна Низомулмулк мисол сифатида келтирилади. Асарнинг тарихий, сиёсий ва бадий аҳамияти шундаки, у салжукийлар ҳукмронлигига оид обрўли манба бўлиб, бу қилсила шохлари учун давлатни бошқаришда бир дастур тарзида яратилган. Асар адабий манба сифатида ҳам жуда қимматлидир. Шу сабабли асарга, Низомулмулк шахсиятига Алишер Навоий, «Дастур ул-мулк» муаллифи Самандар Термизий, «Осор ал-билод» муаллифи Абу Яҳё Закарийё ибн Муҳаммад ал-Қазвиний ҳамда Ибн Исфандиёр, Ибн Биби, Ибн Тиктак, Ҳожа Ҳалифа ва бошқа қўллаб қўлловчи давлат арбоблари ҳаёт юксак баҳо берганлар.

Ушбу асар машҳур шарқшунос олимлардан Ш.Риё, В.Дорн, Э.Брове, А.Кристенсен, Ч.Шеффер, Т.Нельдеке, В.В.Бартольд, А.Кримский, Муҳаммад Низомиддин, Файз ал-Ҳасан Файзий, Б.Гафуров, Б. Аҳмедов ва бошқалар диққатини ўзига тортиб, уларнинг жиддий ҳулосаларига асос бўлган. Қўпгина хорижий нашрларда «Сиёсатнома» асари бугунги сиёсатчилар учун ҳам энг яхши қўлланма сифатида баҳоланади. «Сиёсатнома» асари ва Низомулмулкнинг шахсияти қўп мутахассислар қатори ўзбек олимлари ҳамда ўқувчиларини ҳам қизиқтириб келмоқда. Бу асардан баъзи парчалар ва маълумотларни академик Бўрибой Аҳмедовнинг мақолаларида ҳамда «Ўзбекистон тарихига оид манбалар» китобида учратамиз.

«Сиёсатнома» ёки «Сияр ул-мулк» асарини олимлар» салжукийларнинг сиёсий дастури сифатида баҳолаганлар. Асарнинг асосий ҳаялари ҳам шундан иборатки, вазир Низомулмулк шох ва ҳокимларни адлу инсофга, сулҳ ва мурувватга, давлатни оқилона бошқариб, қатъий қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорларни виждонли, пок, ҳалол ва имонли бўлишга, мамлакат ободонлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват этади.

Ўқувчи Низомулмулк асарини ўқир экан, муаллифнинг ақл-заковати, ҳаётий тажрибаси, ҳикоя ва мисолларига мафтун бўлади, унда келтирилган илмий, ахлокий-тарбиявий, диний далилларга ишонади, асар муаллифининг тилига, бадий тасвир маҳоратига қойил қолади.

Масалан, Алишер Навоий «Маҷолис ун-нафоис» да Ҳожа Қамолiddин Ҳусайн номли шоир ҳақида гапира туриб шундай ёзади: «Ҳожа Низомулмулкнинг ўғлидир. Отасининг таайюн ва иштихори бурунги Низомулмулкдин ортиқроқ бўлмаса, ўқсук (қам) ҳам эмас. Эътибор юзидин анинг била тенг бор эди. Аммо мансаб юзидин ортти... » Навоийнинг гаплари шуни қўрсатадики, Хирот маданият муҳити учун салжукийлар вазири танikli шахс бўлган. Шу боисдан ҳам бошқани унга қийслаб, нисбат бериб таърифлаяпти.

Низомулмулк фикрича, адолат ва саховат хайр-садакадан, ночор, ноилож кишиларга мадад беришдан, бева-бечоралар, майиб ва ногиронларга хазинадан нафака ажратишдан ва инсонларнинг ҳуқуқларига риоя қилишдан иборатдир. Амалдорларни тўғри танлаб, уларга қўлларидан келадиган ишлар ва вазифаларни топшириш, бир кишига бир амал бериб, ундан итоат ва ижро фазилатини кутиш давлат бошқарувининг асосий талабларидандир. Хар бир ишда амалдорларнинг маслаҳат билан иш қўришлари қўзда тутилади. Низомулмулкнинг шох ҳаёт тажрибасига эга бўлган, жаҳон кезган оксоқоллар, олиму мўътабар кишилар билан маслаҳатлашиб иш тутиши тарафдоридир. Низомулмулкнинг яна бир фикри эътиборга сазовордир. Бу гоё шундан иборатки, давлатда марказий ҳукумат (яъни шох ҳокимияти) жуда ҳам кучли бўлиши лозим. Шундагина давлатда тинчлик ва адолат барқарор бўлади, раият ўз мақсадига ета олади, жамият сулҳ ва адолатда, мурувватда яшайди. XI аср вазири Низомулмулкнинг фикрича, раият аҳли, зулму ситам қўрган хар бир киши, умуман, норози бўлганлар амалдор ва ҳокимдан тортиб то вазир ва шохнинг ўзигача қабулларига бориб, шикоят ёки маслаҳатини баён қилишлари зарур. У ёзади: «Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм қўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Агарда ҳудованд подшоҳ додхоҳларини олдиға чақириб, ҳафтада икки маротаба уларнинг сўзларини эшитади ва золимларнинг жазосини беради, деган хабар мамлакатға тарқалса, унда ситам қилувчилар оқибатини ўйлаб қўриб бедодлик қилмайдилар. Низомулмулк хар бир гоёни исботлаш учун муайян тарихий ва афсонавий шахслар, сулолалар ва салтанатлар тарихидан, ўтмишидан фойдаланиб, тегишли воқеалардан мисоллар келтиради. Давлат бошқаруви ва ҳукуматчиликка у 875-999 йилларда ҳукм сурган сомоний ҳамда газнавий султон ва шохларни намуна қилиб қўрсатади. Бу сулолаларнинг намояндаларини ниҳоятда улуглаб, баъзан уларға хос бўлган фазилат ва яхши хислатларни, ҳуқ-атворларни эъзозлаб, замона шохларида ҳам шундай сифатларни қўрмоқчи бўлади ва шу ўл билан уларға давлатни бошқариш борасида самимий маслаҳатлар беради. Низомулмулк замонасидаги иллатларни баъзан очикчасига баён қилади, лекин оқил инсон, давлат арбоби бўлганлигидан баъзи ҳаракатлари зое кетаётганлигини яхши тушунади. Ўша даврларда ҳам ҳасадчи ва гаразли амалдорлар борлигини, саройдаги макрлар, амалдорларнинг бир-бирларига қасд ва душманликлари давлат ишларига, халқ ва салтанатға зиён эканлигини яширмайди. «Бизнинг замонда, - деб ёзади у, - амирлар бир ҳаром динордан қўчимайдилар, ҳақиқатни ёлгонға чиқариб, иш оқибатини ўйламайдилар». Бошқа жойда: «Ҳозир шундай замон бўлганки, юз мусулмоннинг қони тўқилса ҳам, бировнинг заррача иши йўқ. Олтинларни олганда ҳам бировни жавобгар қилмайдилар, ишни ҳам охиригача олиб қоролмайдилар. Ажаб дунё, бундан кейин нима бўлар экан?!» .- деб ёзади. Давлатни идора этишда амалдорлар қатта ўрин тутишини яхши тушунган Низомулмулк уларни тўғри танлаб, жой-жойига қўйишни, хар бирига лойиқ амал бериб, асосий мақсад ўўлида тарбия қилишни муҳим бир талаб деб билади. Хар қайси амалдорни тарбиялашға қўп вақт кетиши ва бу мушкул иш эканини тушунтириб, ҳокимларға қўл остидагиларни эҳтиёт қилишни маслаҳат беради. Амалдорнинг ҳатосини қўриб, уни дарров ишдан олиш тўғри эмаслигини, уни биринчи маротаба кечириб, яна ҳато қилмаслиги учун ҳимоя қилиш кераклигини айтади. Асарнинг баъзи қисмлари ва бобларида халифаларға қарши бўлиб ўтган қўзғолон ва урушлар, исломдаги хар хил маъзаб ва жараёнлар, уларнинг намояндалари ва

тарафдорлари хакида ҳам маълумотлар мавжуд. Жумладан, Маздак ҳаракати, Муканна кўзголови, Абу Муслим ҳаракати, Озарбайжонда афшин Бобакнинг чиқишлари ҳамда карматий, ботиний, рофизий, қадария ва шиалар ҳаракатлари билан боглик воқеалар ўз аксини топган. Муаллиф бу воқеаларни баён қилиб, уларнинг сабаблари ва оқибатларини очиқ беришга ҳаракат қилади. Муаллифнинг энг асосий ҳулосаси шундан иборатки, марказий давлат ягона бир гоёга эга бўлмаса, ҳар хил гоё ва фикрлар тарафдорлари ҳокимият учун қурашадилар, бу мақсад эса қон тўқишлар ва зулму ситамларга сабаб бўлиши мумкин. Асарда Марказий ҳукумат, давлат, шоху ҳокимлар халқ бирлиги, давлат истиклоли, қудрати ва мудофаасини таъминлаш учун қуч-ғайратларини сарфлашлари зарур, деган гоё етакчи ўринда туради.

Сиёсатнома» мавзу жиҳатдан қенг қамровли ва сермазмун» асар. Унда давлат бошқарувига алоқадор қарийб ҳамма қоида ва қонунлар, усул ва воситалар, қози ва қозихона ишлари, қўшин ва сарбозлар, хизматчи ва шахсий сарбозлар масалалари, саройдаги соқчилару қосбонлар вазифалари, уларнинг маошлари, почта ва айғокчилик (разведка) ишлари, уларнинг моддий жиҳатлари, ҳазина ва байтулмол, элчиларга муносабат, ҳатто шохнинг оилавий ишлари, унинг базм ва мажлислари, ҳос ҳодим ва шахсий соқчилари хакида маълумот ва маслаҳатлар бор. Асарда молия ва ҳўжалик ишлари, солиқ ва хирож, зақот ва вақф масалалари ҳам ўрин олган. Улар баъзан қеракли даражада очиқ берилган бўлмаса ҳам, муайян тадқиқотларга озуқа бера олади. Асар ҳозирги давр сиёсатчилари, давлат амалдорлари ва мансабдор қишларга, умуман, ўтмиш тарихимизга қизиқувчи барча ўқувчиларга маънавий рух ва қуч беради, деб ўйлаймиз Асарнинг бадий қиммати шундаки, унинг муаллифи ўз фикрларини турли ҳикоятлар воситасида исботлаб, мустанкамлаб боради. Қарашлари ўқувчи онига етиб қориши, диққатини жалб этиши учун турли тарихий шахслар, ҳар хил қаҳрамонлар ва уларнинг ҳаёти билан боглик ҳикоятларни қелтиради. Салжуқий ҳуқмдорларга панд-насихат қилаётган муаллиф, асосан, илғари ўтган ҳуқмдорлар билан боглик воқеаларни қелтириш орқали уларнинг ижобий ҳусусиятларини қамонаси шохларига, ўтмиш ҳуқмдорларига намуна қилиб қўрсатишни истайди. Салбий жиҳатларни тилга оларқан, уларнинг оқибатларидан сабоқ беради. Асар тилининг соддалиги билан қитобхонни ўзига қортади. Низомулмулкнинг баён услубидаги публицистик рух ҳам асарни ўқишли қилган.

Сиёсатнома», - деб ёзади профессор Б.Н.Заҳодер,- бу,» қиддий сиёсий ҳужжат бўлиб, марказий ҳукумат қарчаланишига қарши қаратилган асардир. «Сиёсатнома» марказлашган давлат тузишга даъват этиб, қучли давлат маҳкамаси, армия ва бошқа .«теқшириш воситаларини яратишга қақиради Сиёсатнома» нинг энг қадимий нусҳаси Британия музейида» (АДД 23516) ҳамда Берлинда сақланади. Бу нусҳалар 1168-69 йили Урмия шахрида амир-ҳожиб Алп Жамолиддин фармониға биноан қўқирилган, Чарлз Шеффер 1291 йили қўқирилган бошқа нусҳадан қойдаланиб, асарни франқуз тилиға ўғириб, 1893 йили нашр этган. 1914 йили Қалқутта шахрида асарнинг тош-босма нусҳаси ҳам қоп қилинган. Кейинқалиқ, 1932 йили Техрон шахрида Иброҳим Халҳолий иштироқида «Сиёсатнома» асари беш нусҳа асосида солиштирилиб, босиб қикарилган Низомулмулкнинг бу асарини Б.Н.Заҳодер қўп йиллик тадқиқотларидан сўнг 1949 йили рус тилиға таржима қилиб, нашр эттирди. 1960 йили асар инғлиз тилида қоп қилинди Сиёсатнома»нинг яна бир нашри 1989 йили Душанбеда» амалға оширилди. Асарни нашр этган олим А.Девонақулов ўз сўзбошисида асарнинг асосан бадий аҳамиятини умуминсоний Сиасатнаме. Қниға о правлении визира XI столетия Низам аль-мўлька.

Москва-Ленинград, «Наука», 1949, с.242 кадрийатлар жихатидан тахлил этган. Аммо бу нашр баъзи камчиликлардан холи эмас: асарнинг баъзи боблари тушириб колдирилган. Сиёсатнома»нинг ушбу таржимасига асарнинг 1932 йилги» Эрон наشري асос килиб олинди. Китоб оммавий нашрга мўлжалланаётганлигини назарда тутиб, айрим жузъий кискартиришлар килинди ва асар тили эса ўзбек тилидаги баён услубга якинлаштирилган тарзда берилди. Асарни нашрга тайёрлашда бизга ёрдам берган барча шахсларга, жумладан таржимани асл нусха билан солиштиришга кўмаклашган Олима Набиевага, ноширларимизга миннатдорчилик билдирамыз.

давоми бор...